

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

АЙМУРАТОВ УЛУГБЕК ДАВЛЕТБАЙ УЛИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН
ЖЎХОРИ НАВЛАРИ ДОНИ ВА УНИНИ САҚЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Аймуратов Улугбек Давлетбай ули Қорақалпоғистон республикасида етиштириладиган жўхори навлари дони ва унини сақлаш технологиясини такомиллаштириш	3
Аймуратов Улугбек Давлетбай ули Совершенствование технологии хранения зерна и муки сортов сорго, выращиваемых в Республике Каракалпакстан.....	22
Aymuratov Ulugbek Davletbay uli Improving the storage technology for grain and of corn varieties cultivated in the Republic of Karakalpakstan	41
Эълон қилинган ишлари рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

АЙМУРАТОВ УЛУГБЕК ДАВЛЕТБАЙ УЛИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН
ЖЎХОРИ НАВЛАРИ ДОНИ ВА УНИНИ САҚЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Qx1488-рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (реюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.lda.uz) ва «Ziyouet», Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдиева Гулмира Муратбаевна,
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори

Расмий оппонентлар:

Долаев Қочқор Одилевич
техника фанлари доктори, профессор

Мирзаев Раҳим Одилжонович
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:


Наманган муҳандислик-технология институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 18 февраль соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz, Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№552087-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.:(+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2025 йил 6 февраль кунини тарқатилди.
(2024 йил 20 декабрдаги 58-рақамли реестр баённомаси).




Ш.Н. Асатов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор


М.З. Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д.,
доцент


С.А. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича жўхори 85 тадан ортиқ мамлакатларда қарийб 50 млн/га дан ортиқ майдонда етиштирилиб, ялпи ҳосил 64 млн. тоннани ташкил этмоқда. Дунё бўйича жўхори хом ашё маҳсулотини ишлаб чиқаришда етакчи “Нигерия (6806 минг т.), Судан (5248 минг т.), АҚШ (4770 минг т.), Мексика (4754 минг т.), Эфиопия (4200 минг т.), Ҳиндистон (4151 минг т.), Хитой (3180 минг т.), Бразилия (2923 минг т.), Аргентина (2883 минг т.) ва Австралия (2648 минг т.) давлатлар ҳисобланади”¹. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми қанд ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилса, маълум қисми чорвачиликда ем-хашак сифатида фойдаланилади.

Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида жўхорини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Ўтказилган тадқиқотларда асосан жўхори донини қайта ишлаб турли маҳсулотлар тайёрлаш, шунингдек, поясини қайта ишлаб қанд, биоёқилғи ва чорва учун озиқа тайёрлаш бўйича изланишлар олиб борилган. Хусусан, АҚШ, Бразилия, Аргентина, Ҳиндистон, Африка ҳамда МДҲ давлатлари олимлари томонидан тадқиқотлар жўхори донини озиқ-овқат хом ашёси сифатида фойдаланиш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жўхори навларини танлаш ва етиштириш технологияси бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилган. Шунингдек, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида етиштириладиган жўхори навлари дони ва унини сақлаш технологиясини такомиллаштириш зарурати юзага келган. Ўзбекистон Республикасининг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказишда, айниқса, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини мева-сабзавот бўйича 28 фоизга етказиш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Ўзбекистонда жўхорини турли навларидан озиқ-овқат саноатида хом ашё сифатида дон ва уни сақлаш жараёнларини тўғри ташкил этиш, шунингдек, нон маҳсулотлари тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш амалиётига кенг жорий этиш долзарб илмий йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ва 2024-йил 16-февралги ПФ-36-сон “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ FAOSTAT

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жўхорини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича хорижий олимлардан Kevin Merfi, Jerald Foks, Uilyam Rouz (АҚШ), Joze Alberto, Mariya Fernanda Ribeyro, Karlos Eduardo Pires (Бразилия), Mariya Laura Fernandes, Xuan Pablo Guterres, Ana Mariya Rodrigues (Аргентина), Vijay Kumar, Sunita Sharma, Ramesh Chandra (Ҳиндистон) ҳамда МДХ мамлакатларидан В.С.Агибалова, Т.О.Аббас, Б.А.Алабушев, Г.А.Ишин, И.С.Горпиниченко, П.М.Жукова, П.В.Белоголовцев, В.В.Ермолаев, И.К.Каирова, С.Д.Кадралиев, В.В.Ковтунов, И.Г.Левахин (Россия) каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бунинг натижасида жўхори донини сақлаш, ундан турли озик-овқат маҳсулотлари тайёрлаш технологиялари ишлаб чиқаришга татбиқ этилган.

Ўзбекистонда жўхори навларини етиштириш, уларни озик-овқат ва саноатда қўллашнинг самарадорлигига оид илмий-тадқиқот ишлари Х.Н.Атабаева, А.Ш.Азизов, Ш.Ж.Тешаев, Х.А.Идрисов, С.М.Назарова, А.О.Арипов, Т.Бегдуллаева, И.Р.Руденко, Н.Н.Ибрагимов, Н.К.Тодерич, З.Х.Халикулов, К.М.Мартиус, А.М.Ерназаров, Р.Э.Курбанова, В.И.Массино, П.Т.Турсунходжаев, Д.Гафурова, Э.В.Раджабова, А.Р.Хаитов, С.Й.Бешимов, С.К.Сафаров, Қ.Қ.Азизов, Ш.А.Содиқов, Ш.И.Исмаил, Д.А.Аралова, Қ.А.Азизов ва Ш.А. Садикова каби олимлар томонидан олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, республика миқёсида, айнан жўхори хом-ашёсидан ун ва нон маҳсулотлари тайёрлаш бўйича илмий изланиш ишлари деярли тўлиқ бўлмай, улар турли илмий ишланмалардан иборат бўлиб, ушбу йўналишда чуқур ва атрофлича бўлган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзуси диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқоти Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №12-1 – рақамли “Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш” (2020-2025 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасида етиштириладиган жўхори навлари дони ва унини сақлаш ҳамда турли нон маҳсулотлари тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вақтинчалик сақлашда жўхори навлари донини сақлаш жараёнларида йўқотиш даражасини камайтириш йўллари аниқлаш;

доимий омборхоналарда жўхори навлари донини сақлаш жараёнларида табиий камайиши ва биокимёвий таркибини аниқлаш ҳамда мақбул сақлаш усулини танлаш;

жўхоридан тайёрланган уннинг сифати ва механик таркибини ўрганиш ҳамда унни сақлашнинг мақбул усулини танлаш;

нон маҳсулотлари тайёрлашда қўшиладиган жўхори унининг мақбул меъёрини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти жўхорининг “Даулет” (назорат), “Ўзбекистон 5”, “Оранжевое 160”, “Ўзбекистон паканаси”, “Корабош”, “Санзар”, “Ўзбекистон 18”, “Ширин 91” ва “Бой жўхори” навлари дони.

Тадқиқотнинг предмети жўхори навлари донларини вақтинчалик ва доимий омборларда сақлаш усуллари ҳамда жўхори унини сақлаш ва нон тайёрлаш жараёнларини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича А.М.Назаров ва Ҳ.Т.Ашуровнинг услубидан фойдаланилган, жўхори донининг биокимёвий таркибини ва сифат кўрсаткичларини аниқлашда қуйидаги кўрсаткишлар ва уларни аниқлаш усуллари қўлланилган, жўхори донини углевод (крахмал) миқдори колориметрия усули орқали, жўхори донидаги оқсил миқдори Келдал усул орқали, мой миқдори экстракция усули (Сокслет аппаратида) орқали, жўхори донидаги клетчатка таркиби Ван Соэст усули, намлик миқдори гравиметрик усулда, яъни донини маълум ҳароратда қуритиш орқали аниқланган, диссертацияда мазкур услубиятлардан фойдаланиш орқали жўхори донини сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини самарали бошқариш, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим илмий асослар ишлаб чиқилган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор “Бой жўхори” нави донини анъанавий уюм ҳолатида вақтинчалик сақлаганда 15,3 % гача йўқотиш кузатилган бўлса, 1000 кг гача сиғимли катта герметик қопларда сақлашни жорий этганда умумий йўқотилиш даражаси 2,1% гача пасайиши исботланган;

жўхори донини доимий омборларда сақлаш усуллари сифатга таъсири боғлиқликлари ўрганилиб, 50 кг сиғимли полипропилен қопларда қадоқланган ҳолда 12 ойгача юқори сифатда сақлаш мумкинлиги аниқланган;

жўхори унини қадоқлашдан олдин 48 соат давомида етилтириш уннинг сув сингдирувчанлик хусусиятини 14% гача ошишига олиб келиши исботланган, шунингдек, жўхори унини полипропилен қопларга қадоқлаб, 120 кун давомида сақлаганда уннинг сифати пасаймаслиги аниқланган;

нон маҳсулоти учун жўхори уни тайёрлашга “Даулет” ва “Бой жўхори” навлари энг мақбул эканлиги, шунингдек, буғдой унига 25% миқдорда жўхори уни қўшиб тайёрланган нон маҳсулотлари янги хоссаларга эга бўлиши ва истиқболда самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жўхори донлари ҳосилини йиғим-терим даврида вақтинчалик сақлаш жараёнлари такомиллаштирилган, натижада умумий йўқотиш сезиларли даражада камайган;

жўхори донини доимий омборларда сақлаш давомида уларни 50 ва 70 кг сифимли қопларда тахлаб, 13-14°C ҳароратда, ҳавонинг нисбий намлиги 60% дан ошмаган шароитда сақлаш энг мақбул эканлиги исботланган;

жўхори донини сақлашда 50 кг сифимли қопларда сақлаш бошқа усулларга нисбатан самарали бўлиши аниқланган ва бу усулда 1 йилгача сифатли сақланган;

120 кун давомида 50 кг полипропилен қопларда сақланган дон таркибидаги углеводлар сақлашдан кейин 0,1% камайгани, оқсиллар ва мойлар эса (0,4%, 0,2%) га камайганлиги ва клетчатка миқдори эса 0,1% га камайиши кузатилган;

жўхори унини полипропилендан тайёрланган 3 ва 5 кг сифимли қопларда сақлаш энг самарадор эканлиги, ўзининг фойдали хусусиятларини сақлаб қолиши, таркибида физик-кимёвий жараёнларнинг юзага келишининг олди олиниши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий-тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар, инновацион кўргазмаларда муҳокама қилинганлиги, олинган натижалар асосида илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жўхори дони ва унини сақлашнинг мақбул технологияси ишлаб чиқилганлиги, уларнинг агробиологик, технологик хусусиятлари ўрганилганлиги, шунингдек, буғдой унига жўхори унини қошиб нон маҳсулотлари тайёрлаш технологиясини такомиллашириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жўхори навлари ичидан озик-овқат саноати учун хом ашё сифатида фойдаланиш самарали бўлган навларнинг аниқланганлиги, жўхори уни ва донини сақлашда қадоқлашнинг мақбул усули ва меёрлари аниқланганлиги, жўхори унидан нон тайёрлашнинг технологияси ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида етиштирилган жўхори дони ва унини сақлаш, унидан нон тайёрлашда мақбул меёрларни аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ун ишлаб чиқаришга мос бўлган жўхори навларининг донини сақлаш ишланмаси Тахтакўпир тумани “Алишер Караой” фермер хўжалигига 1 гектар майдонга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 23 октябрдаги 02/017-4215-сон маълумотномаси). Натижада, Даулет (назорат), Ўзбекистон 5, Оранжевое 160, Ўзбекистон паканаси, Корабош, Ўзбекистон 18, Санзар, Ширин 91 ва Бой жўхори навлари донларини етиштириб, уларни вақтинчалик сақлаш натижасида 40-44 % самарадорликка эришилган.

жўхори донини сақлаш ишланмаси Чимбой туманидаги “Алақамба” фермер хўжалигида 1 гектар, “Садик-Анварбек” фермер хўжалигида 1 гектар ҳамда “Алауатдин” фермер хўжалигида 1 гектар майдонда жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024-йил 23-октябрда 02/017-4215-сон маълумотномаси). Натижада, фермер хўжалигида “Бой жўхори” навидан 22,9 млн. сўм фойда ва 35-40% самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг илмий-методик кенгашида кўриқдан ўтказиш комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Ҳисоботлар институтнинг илмий кенгашида тақдим этилган бўлиб, илмий натижалар ҳам республика ва хорижда ташкил этиладиган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестасия комиссиясининг томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, 2 таси хорижий журналларда, шунингдек, республика анжуманларида 2 та ва халқаро илмий анжуман тўпламларида 4 та тезис чоп этилган ҳамда 1 та тавсиянома нашр этирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илимий тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муасасаси-нинг илимий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг обекти ва предмети келтирилган, илимий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Жўхори донини сақлаш, қайта ишлаш, унинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти”** деб номланган I-бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илимий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Шу билан бирга дунёда ва Ўзбекистонда жўхорини етиштириш ҳолати, қайта ишлашга мўлжалланган жўхори навларининг технологик хусусиятлари, жўхори ва унини сақлашнинг турли усуллари қўллаш технологиялари

жорий этиш юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказилган жойнинг тавсифи, объекти ва услублари”** деб номланган II-бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иклим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг **“Ун ишлаб чиқаришга мос бўлган истиқболли жўхори навлари таснифи”**, **“Тадқиқот услублари”** деб номланган бўлимларида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш усуллари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Озиқ-овқат хом ашёси сифатида жўхори навларининг донларини сақлаш усулларини танлаш”** деб номланган III-бобида сақлашга мос бўлган жўхори донини етиштириш, дон ҳосилини турли усулларда сақлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи омиллар ва уларни бошқариш бўйича олиб борилган тажрибалар натижалари баён этилган.

Жумладан, ушбу бобнинг **“Жўхори навларининг агробиологик ва технологик хусусиятлари”** деб номланган бўлимида жўхорининг агробиологик хусусиятларини тадқиқ қилувчи тажрибалар натижалари келтирилган.

Жўхори ўсимликларининг барча навларида мум пишиқлик босқичи 17-23 кун давом этиши кузатилди. Мум пишиқлик босқичи жўхори донасидаги намлик пасайиб, мустаҳкамликни ошириш босқичидир. “Санзар” нави 17 кун давомида мум пишиқлик босқичини яқунлайди, яъни у тез пишиб етилади. “Ўзбекистон паканаси” ва “Ширин 91” навларида эса 23 кунлик мум пишиқлик босқичига эга бўлиб, улар узоқ вақт давомида қўшимча энергия сарфлайди. Бу эса ёпиқ сақланадиган муҳитдаги жўхори учун афзаллик бўлиши мумкин, чунки узоқ давом этадиган мум пишиқлик босқичи маҳсулотнинг пишиб етилган ҳолда узоқ сақланишига ёрдам беради.

Кейинги босқич тўла пишиш босқичи бўлиб, 16-19 кунга чўзилди. Тўла пишиш босқичи донда пишиб етилишини тўлиқ тугаллайдиган босқич ҳисобланади. “Оранжевое 160” нави энг қисқа тўла пишиш даврига эга (16 кун), бу эса унинг тез ҳосилга киришини билдиради. “Ўзбекистон паканаси”, “Корабош”, “Санзар” ва “Ширин 91” навлари эса 19 кунлик тўла пишиш даврига эга бўлиб, бу уларнинг ҳосилдорлигини кўпайтириши мумкин. Навлар орасидаги тўла пишиш давомийлигининг фарқлари фермерларга ҳосил йиғиш вақтидаги танловларни аниқлашда ёрдам беради.

“Оранжевое 160” ва “Даулет” (назорат) навларида ҳам нисбатан қисқа ўсиш даври кузатилган (мос равишда 121 ва 120 кун), бу эса уларнинг эрта ҳосил олиш учун мос келадиган навлар қаторига киришини англатади. Ушбу навлар ҳам фермерлар учун тезкор етиштириш мақсадида тавсия этилиши мумкин (1-расм).

Ўрта муддатда пишиб етадиган навлар қаторига “Ўзбекистон паканаси” (133 кун) ва “Корабош” (129 кун) навлари кирди. Бу навлар ёзги мавсумнинг

кўпроқ қисмида ўсиб, тўлиқ ривожланиш учун кўпроқ вақт талаб қилади, шунингдек, уларнинг ҳосилдорлиги баланд бўлиши мумкин. Шу сабабли, уларни бироз узоқ муддатда ҳосил етиштириш учун мўлжалланган навлар сифатида тавсия қилиш мумкин.



1-расм. Жўхори навларининг ўсув даври давомийлиги, кун

1-жадвал

Жўхори навлари дон хом ашёсининг ҳосилдорлиги (2021-2023 йй.)

Навлар номи	Дон хом ашёси ҳосилдорлиги, ц/га				назорат навга нисбатан, %
	2021 йил	2022 йил	2023 йил	ўртача	
Даулет (назорат)	60,9±0,90	61,1±0,90	59,9±0,77	60,6±0,68	100,0
Ўзбекистон 5	51,1±0,75	51,3±0,76	50,1±0,91	50,8±0,59	83,8
Оранжевое 160	24,6±0,36	24,8±0,37	23,6±0,35	24,3±0,28	40,1
Ўзбекистон паканаси	62,5±0,92	62,7±0,92	61,5±0,79	62,2±0,63	102,6
Қорабош	21,1±0,31	21,3±0,31	20,1±0,30	20,8±0,24	34,3
Ўзбекистон 18	54,1±0,80	54,3±0,80	53,1±0,97	53,8±0,63	88,8
Санзар	32,3±0,48	32,5±0,48	31,3±0,46	32,0±0,38	52,8
Ширин 91	61,6±0,91	61,8±0,91	60,6±0,78	61,3±0,86	101,2
Бой жўхори	63,8±0,94	64,0±0,94	62,8±0,81	63,5±0,66	104,8
ЭКФ ₀₅	1,5	1,6	1,2	0,8	–
Sx%	3,2	3,4	2,5	1,8	–

Жўхори навлари дон хом ашёсининг маҳсулдорлиги аниқланганда, 2021-йилда “Даулет” (назорат) навида – 60,9±0,90 ц/га булиб, унга нисбатан юқори дон хом ашёсининг маҳсулдорлигини “Бой жўхори” (63,8±0,94 ц/га), “Ўзбекистон паканаси” (62,5±0,92 ц/га) ва “Ширин 91” (61,6±0,91 ц/га) навларида аниқланган. Аксинча, назорат “Даулет” (60,9±0,90) навига нисбатан кам дон хом ашёсининг маҳсулдорлигини “Ўзбекистон 18” (54,1±0,80 ц/га), “Ўзбекистон 5” (51,1±0,75 ц/га), “Санзар” (32,3±0,48 ц/га), “Оранжевое 160” (24,6±0,36 ц/га) ҳамда “Қорабош” (21,1±0,31 ц/га) навлари намён қилганлиги

маълум бўлди. Шунингдек, жўхори навларида 2021-йилда дон хом ашёси ҳосилдорлиги кўрсаткичларини математик ва статистик ишлов берилганда ЭКФ₀₅ – 1,5 ц/га ва Sx% – 3,2 % намоён қилди (1-жадвал).

1-жадвалдаги маълумотларга кура, майдон бирлигидан энг юқори дон хом ашёси маҳсулдорлиги “Бой жўхори” навида – 64,0±0,94 ц/га бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, назорат “Даулет” навида (61,1 ц/га) нисбатан юқори дон хом ашёси маҳсулдорлигини “Ўзбекистон паканаси” (62,7±0,92 ц/га) ва “Ширин 91” (61,8±0,91 ц/га) навлари намоён қилганлиги маълум бўлди. Аксинча, жўхорининг “Ўзбекистон 18” (54,3 ц/га), “Ўзбекистон 5” (51,3 ц/га), “Санзар” (32,5 ц/га), “Оранжевое 160” (24,8 ц/га) ва “Қорабош” (21,3 ц/га) навларида назорат “Даулет” навида (61,1 ц/га) нисбатан кам дон хом ашёси маҳсулдорлиги шакллланганлиги аниқланди. Жўхори навларида 2022 йилда дон хом ашёси маҳсулдорлиги кўрсаткичларини математик ва статистик ишлов берилганда ЭКФ₀₅ – 1,6 ц/га ва Sx% – 3,4 % намоён қилди.

Жўхори навларининг дон хом ашёси маҳсулдорлиги 2023 йилда назорат “Даулет” навида – 59,9 ц/га булиб, унга нисбатан майдон бирлигидан юқори дон хом ашёси маҳсулдорлиги “Бой жўхори” (62,8 ц/га), “Ўзбекистон паканаси” (61,5 ц/га) ҳамда “Ширин 91” (60,6 ц/га) навлари намоён қилди. Бироқ, назорат “Даулет” навида (59,9 ц/га) нисбатан кам дон хом ашёси маҳсулдорликни “Ўзбекистон 18” 53,1 ц/га), “Ўзбекистон 5” (50,1 ц/га), “Санзар” (31,3 ц/га), “Оранжевое 160” (23,6 ц/га) ҳамда “Қорабош” (20,1 ц/га) навларида аниқланди. Жўхори навларида 2023 йилда дон хом ашёси маҳсулдорлиги кўрсаткичларини математик ва статистик ишлов берилганда ЭКФ₀₅ – 1,2 ц/га ва Sx% – 2,5 % намоён қилди.

Қорақалпоғистон тупроқ-иқлим шароитида етиштирилган жўхори навларининг 2022-2023 йиллар бўйича ўртача 4,8-1,2 % юқори дон хом ашёси маҳсулдорликни “Бой жўхори” (63,5 ц/га), “Ўзбекистон паканаси” (62,2 ц/га) ва “Ширин 91” (61,3 ц/га) навлари намоён қилган бўлса, аксинча, назорат “Даулет” навида (60,6 ц/га) нисбатан майдон бирлигидан кам дон хом ашёси маҳсулдорлигини “Ўзбекистон 18” (53,8 ц/га), “Ўзбекистон 5” (50,8 ц/га), “Санзар” (32,0 ц/га), “Оранжевое 160” (24,3 ц/га) ҳамда “Қорабош” (20,8 ц/га) навларида аниқланди. Жўхори навларининг 2022-2023 йиллар бўйича ўртача дон хом ашёси маҳсулдорлиги кўрсаткичларини математик ва статистик ишлов берилганда ЭКФ₀₅ – 0,8 ц/га ва Sx% – 1,8 % намоён қилди.

Мазкур бобнинг **“Жўхори дони ҳосилини йиғим-терим даврида вақтинчалик сақлашда табиий камайиши ва биокимёвий таркиби”** деб номланган бўлимида жўхори донларини вақтинчалик ва доимий сақлашда сақлаш усулининг сақланувчанликка таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Таҷрибаларда “Даулет” (назорат) нави донлари назорат сифатида танлаб олиниб, нав хусусиятига кўра сақланувчанлик даражаси тадқиқ қилинди. Бунда 3 та намлик кўрсаткичига эга бўлган донлар бўйича изланишлар олиб борилди, яъни умумий намлиги 14 % гача бўлган донлар, намлиги 14-16 % оралиғида бўлган донлар ва намлиги 16 % дан юқори бўлган донлар таҳлил қилиниб, нав хусусияти ва дон массаси намлигининг сақланувчанликка

таъсири ўрганилди.

Ушбу тажриба жараёнида дон массасининг сақланишига ҳаво ҳароратининг таъсири ҳам ўрганилди, бу ерда ҳарорат 5-10°C оралиғида бўлган. Бундай ҳарорат шароитида дон сифатини узоқ муддат давомида сақлаш имконияти таъминланади. Тажрибада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 1 тонна сифимли “Биг Баг” типигаги махсус герметик қопқанорлардан фойдаланилди. Ушбу герметик қопларда жўхори донларини сақлаш мақсадида очик дала шароитидаги сақлаш амалиёти ўрганилди.

Аввало, йиғиб олинган дон ҳосили очик майдонда 24 соат давомида қуритилиб, намлик даражаси пасайтирилди. Қуритиш жараёнидан сўнг дон шамол ёрдамида сараланди, шу тариқа кичик парчалар ва чанг каби қўшимчалардан тозаланди. Сараланган дон махсус герметик қанор-қопларга жойлаштирилиб, ҳаво кирмаслиги учун пухта ёпилди. Қоплар жойлаштириладиган майдон ҳам тайёрланди, ер текисланиб, сув тўпланмайдиган ва қаттиқ жой ҳозирланди, бу эса қопларнинг хавфсиз сақланишини таъминлашга ёрдам берди.


Бундай сақлаш шароитида дон массаси ўртасида бир хил ҳарорат ва намлик даражаси сақланишига эришилди, бу эса жўхори донларининг сифатини узоқ муддат давомида ўзгаришсиз қолдиришга имкон берди. Шунингдек, “Биг Баг” қопларининг герметик хусусияти, жўхори донларининг ички мухитидаги намлик ва ҳарорат мувозанатини сақлаб, бактериялар ва бошқа зарарли микроорганизмларнинг тарқалишини чеклашга ёрдам берди. Тажриба натижасида бундай сақлаш усули жўхори донларини узоқ муддат сақлашда юқори самарадорликка эга эканлиги тасдиқланди.

14 % дан кам намликка эга бўлган дон массасини сақлаш бўйича ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, доннинг узоқ муддатли сақланишининг намлик даражасига ва навига бевосита боғлиқдир. Ушбу тажрибалар жараёнида турли хил навлардан бой жўхори навининг сақланувчанлик жиҳатидан энг юқори натижа кўрсатганлиги аниқланди. “Бой жўхори” нави, 394 кун давомида сақланганда ҳам, ўзининг муҳим технологик кўрсаткичларини барқарор сақлаб қолди, бу эса унинг юқори сифатли ва узоқ муддатли сақлаш учун мувофиқлигини кўрсатди.

“Санзар” нави эса, тажриба натижаларига кўра, энг қисқа муддатда сифатини йўқота бошлади ва унинг максимал сақланиш даври 294 кунни ташкил этди. Бу натижа “Санзар” навининг сақлаш шароитида тез сифат ўзгаришига мойил эканлигини кўрсатади. Бошқа томондан, “Ўзбекистон 5” навининг ҳам сақланиш бўйича ижобий натижа кўрсатганлиги қайд этилди. Ушбу нав 360 кун мобайнида сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди, бу эса унинг бошқа баъзи навларга нисбатан кўпроқ сақлаш муддатига эга эканлигини билдирди.

Шу тариқа, тажрибалар натижаси шундан иборатки, дон намлиги паст бўлган ҳолда унинг сақланиш муддати ва сифат кўрсаткичлари турли навларга қараб ўзгариб туриши мумкин. “Бой жўхори” ва “Ўзбекистон 5” навлари узоқ муддатли сақлаш учун мос бўлса, “Санзар” нави тезроқ сифат йўқотишга мойиллиги билан ажралиб турди (2-расм).

Тажрибалар давомида жўхори донларини 60 кун давомида уюм ҳолатда ва герметик қопларда вақтинчалик сақлаш майдонларида сақлагандан кейинги ҳолати бўйича ўрганишлар олиб борилди.



2-расм. Жўхори навлари дон хом ашёсини сақлаш муддатига герметик қанор-қопларда вақтинчалик сақлашнинг таъсири, кун (2021-2023 йй).

Тадқиқот давомида “Даулет” навини назорат сифатида танлаш асосий маълумотларни баҳолаш ва бошқа навлар билан солиштириш имконини берди. Уюм ҳолатида сақлаш шароитида дон массасининг ҳолатига турли омиллар таъсир этганлиги қайд этилди. Икки ой давомида сақлаш натижасида дон массасининг намлик даражаси 6 % га ошганлиги аниқланди, бу эса сақлаш шароитидаги ҳарорат ва намликнинг донга салбий таъсир кўрсатганини кўрсатади.

Шу билан бирга, жўхори дони массасининг 7,7 % гача ҳашаротлар ва кемирувчилар билан зарарланганлиги кузатилди, бу зараркунандаларнинг доннинг сақлаш жараёнидаги катта муаммо эканлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, моғорлаш, чириш ва бошқа зарарли микроорганизмлар билан зарарланиш даражаси ҳам юқори бўлиб, 6,16 % ташкил қилди. Механик таъсирлар натижасидаги йўқотишлар 2,31 % ташкил этиб, сақлаш шароитидаги мустаҳкамлик ва донларнинг ташқи таъсирларга дош бериши масаласидаги муаммоларни ҳам кўрсатди.

Ушбу сақлаш усулининг жўхори донларини узок муддатли сақлаш учун мос эмаслигини кўрсатади ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида янги усулларни қўллаш зарурлигини англатади. Зараркунандалардан ҳимоя қилиш, намлик ва ҳароратни назорат қилиш бўйича қўшимча чоралар кўриш талаб қилинади (2-жадвал).

Герметик қопларда сақланган дон массасининг натижалари ана шундай сақлаш усулининг самарадорлигини кўрсатди. Дон массасини герметик қопларда сақлаш жараёнида дон намлигида ҳеч қандай ўзгариш кузатилмади, бу эса унинг намликка нисбатан барқарорлигини таъминлади. Қопларнинг герметик ёпилиши натижасида қоп ичида анероб муҳит ҳосил бўлди. Бу муҳит

микроорганизмлар, айниқса кислородга муҳтож бўлган зарарли бактериялар, замбруғлар ва ҳашоратларнинг ривожланишига йул қўймайди.

2-жадвал

Жўхори навлари дон хом ашёсини 60 кун давомида вақтинчалик сақлагандаги ўзгаришлар (2021-2023 йй.)

Навлар	Намлиқни ўзгариши (сақлашдан олдинги намлиқ 14%), %	Ҳашарот ва кемирувчилар билан зарарланиши, %	Микро-организмлар билан зарарланиши, %	Механик йўқотиш, %
Уюм ҳолида сақлаганда				
Даулет (назорат)	+6,00	7,70	6,16	2,31
Ўзбекистон 5	+6,30	8,09	6,47	2,43
Оранжевое 160	+6,62	8,49	6,79	2,55
Ўзбекистон паканаси	+6,95	8,92	7,13	2,67
Корабош	+7,29	9,36	7,48	2,81
Ўзбекистон 18	+6,86	8,80	7,04	2,64
Санзар	+6,44	8,27	6,61	2,48
Ширин 91	+6,06	7,78	6,22	2,33
Бой жўхори	+5,69	7,31	5,84	2,19
Герметик қанор-қопларда сақлаганда				
Даулет (назорат)	0,0	0,0	0,85	0,69
Ўзбекистон 5	0,0	0,0	0,89	0,73
Оранжевое 160	0,0	0,0	0,93	0,76
Ўзбекистон паканаси	0,0	0,0	0,98	0,80
Корабош	0,0	0,0	1,03	0,84
Ўзбекистон 18	0,0	0,0	1,07	0,88
Санзар	0,0	0,0	1,12	0,91
Ширин 91	0,0	0,0	1,05	0,85
Бой жўхори	0,0	0,0	0,78	0,64

Тажриба давомида микроорганизмлар билан зарарланиш миқдори атиги 0,85 % ташкил этганлиги кузатилди, бу эса сақлаш шароити юқори даражада тозаликни таъминлашини кўрсатади. Бу натижалар исрофгарчиликни анча камайтириш ва жўхори донлари-ни сифатли сақлаш имкониятини таъминлайдиган герметик қопларнинг устунлигини тасдиқлайди.

Тажриба учун танлаб олинган барча навларда худди шу қонуният такрорланди. Танлаб олинган навлар ичида уюм ҳолатда сақлаганда энг кўп йўқотиш Корабош навида кузатилди ва бу кўрсаткич 19,7 % ташкил қилди. Энг кам йўқотиш эса “Бой жўхори” навида – 15,3 % намоён қилди. Шунингдек, “Даулет” ва “Ширин 91” навларида ҳам йўқотиш бошқа навларга нисбатан камроқ бўлиб, мос равишда 16,2 ва 16,3 % ташкил қилди (3-расм).



3.6-расм. Жўхори навлари дон хом ашёсини уюм ва герметик қанор-қошларда вақтинчалик сақланганда йўқотишлар, % (2021-2023 йй.)

Диссертациянинг “Жўхори навларидан ун ва нон маҳсулотлар тайёрлаш технологияси” деб номланган тўртинчи бобида жўхори донини қайта ишлаб ун олиш, унни сақлаш ва ундан нон маҳсулотлари тайёрлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари баён этилган.

Жўхори унининг биокимёвий таркиби унинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Тажрибалар давомида жўхори навлари донидан олинган унининг биокимёвий таркибини ўрганилди.

Маълумки, ун таркибидаги намлик меъёри энг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, барча технологик жараёнларда муҳим омил сифатида қаралади. Тажрибадаги навлардан тайёрланган ун таркиби таҳлил қилинганда назорат сифатида танлаб олинган “Даулет” навидан тайёрланган уннинг намлиги 10,9 % ташкил этди. Энг юқори намлик “Ширин 91” навидан тайёрланган унда қайд этилиб, 12,25 % ташкил этган бўлса, энг кам намлик “Ўзбекистон 18” навида намоеён бўлиб 9,28 % бўлди. Шунингдек, “Ўзбекистон 5” (11,67 %), “Бой жўхори” (11,88 %) ва “Санзар” (11,04 %) навларидан тайёрланган ун таркибида ҳам намлик миқдори нисбатан кўпроқ бўлиши аниқланди.

Жўхори уни таркибидаги оксил миқдори ҳам унинг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткич бўйича таҳлил натижалари куйидагича бўлди: Энг кўп оксил миқдори “Бой жўхори” навида бўлиб, 12,96 % ташкил этди. Ўртача кўрсаткичлар “Оранжевое 160” навида 11,24 % ва “Қарабош” нави кузатилиб 11,24 % ташкил қилган бўлса, энг паст кўрсаткич “Санзар” навида 9,11 % га тенг бўлди (3-жадвал).

Жўхори унинг биокимёвий таркибини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда жўхори уни таркибидаги мой миқдори энг кўп бўлган Бой жўхори ва Ўзбекистон 5 навлари бўлиб, ҳар иккала навда ҳам 4,0 % дан юқори кўрсаткич қайд этилди. Ушбу омил бўйича ўртача кўрсаткич “Оранжевое 160” (3,76 %) ва “Қарабош” (3,69 %) навларида кузатилди. Энг паст кўрсаткич эса “Ширин-91” (2,69 %) ва “Санзар” (2,99 %) гача аниқланди.

Тажрибаларда жўхори уни биокимёвий таркибини ўрганиш давомида ун таркибидаги хом клетчатка миқдори аниқланди. Бунда “Бой жўхори”, “Ўзбекистон 5” ва “Даулет” навлари донларини қайта ишлаб олинган ун таркибида хом клетчатка миқдори энг юқори даражада бўлиши қайд этилди ва

4,0 % дан юқори эканлиги аниқланди.

3-жадвал

**Жўхори навлари донидан қайта ишлаб олинган уннинг биокимёвий таркиби, %
(2021-2023 йй.)**

Навлар	Намлиқ	Оқсил	Липидлар	Хом клетчатка	Крахмал	Кул
Даулет (назорат)	10,90	11,89	3,90	4,10	62,8	1,36
Ўзбекистон 5	11,67	12,73	4,18	4,39	67,26	1,46
Оранжевое 160	10,51	11,46	3,76	3,95	60,5	1,31
Ўзбекистон паканаси	9,46	10,31	3,38	3,56	54,5	1,18
Корабош	10,31	11,24	3,69	3,88	59,38	1,29
Ўзбекистон 18	9,28	10,12	3,32	3,49	53,4	1,16
Санзар	11,04	9,11	2,99	3,14	48,1	1,04
Ширин 91	12,25	8,20	2,69	2,83	43,3	0,94
Бой жўхори	11,88	12,96	4,25	4,47	68,45	1,48

Шунингдек, “Оранжевое 160” навида 3,95 %, “Ўзбекистон паканаси” навида 3,56 %, “Корабош” навида 3,88 %, “Ўзбекистон 18” навида 3,49 % ва “Санзар” нави унида 3,14 % миқдорда хом клетчатка бўлиши маълум бўлди. Мазкур кўрсаткич бўйича энг паст даража “Ширин-91” нави унида аниқланиб 2,83 % га тенг бўлди.

Диссертация ишининг “**Жўхори унини сақлашнинг энг мақбул усулини танлаш**” деб номланган бўлимида жўхори унини сақлашнинг мақбул усулини танлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар юзасидан маълумотлар келтирилган.


Тажирибаларимизда нон тайёрлаш учун асосий хом ашё бўлган буғдой унига жўхори унини аралаштириб нон тайёрлаш бўйича изланишлар олиб бордик. Ушбу изланишларнинг асосий мақсади буғдой ва жўхори унининг мақбул нисбатини топишга қаратилган бўлиб, буғдой унига 10, 15, 20, 25 ва 30 % гача жўхори унини аралаштириб, энг яхши меъёрни танлашга қаратилди.

Жўхори унидан тайёрланган нон маҳсулотининг технологик курсаткичлари таҳлил қилишда назорат сифатида оддий буғдой унидан тайёрланган қолипли (800 см³) нон танлаб олинди. Тайёр ноннинг ҳажми, ҳажмий массаси, шакли, мағзининг ғоваклиги, нордонлиги ва мағзининг намлиги каби курсаткичлар таҳлил қилинди (4-жадвал).

Ноннинг ҳажми муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Стандарт талаблари бўйича буғдой унидан тайёрланган қолипли ноннинг ҳажми 800 см³ни ташкил этиши керак. Буғдой унига 10 % жўхори уни қўшиб тайёрланган ноннинг ҳажми эса 820,3 см³ни ташкил этган бўлса, 15 % қўшилганда 831,5 см³, 20 % миқдорда қўшилганда 835,2 см³, 25 % миқдорда қўшилганда 838,3 см³, 30 % миқдорда жўхори уни қўшилганда эса 836,4 см³ бўлиши маълум бўлди. Концентрация бунда ошганда эса яна ҳажми кичрайиши намоён бўлди.

**Буғдой унига турли нисбатларда жўхори уни қўшиб тайёрланган
ноннинг физик-кимёвий кўрсаткичлари (2021-2023 йй)**

Кўрсаткичлар	Буғдой уни (назорат)	Буғдой унига қўшилган жўхори уни миқдори				
		10 %	15 %	20 %	25 %	30 %
Ўзбекистон 5 нави						
Ҳажми, см ³	800,0	820,3	831,3	835,2	838,3	836,4
Ҳажмий масса, 100 г/л	302,5	305,6	307,8	328,3	329,9	327,2
Шаклининг ҳолати (бутунлиги)	0,42	0,45	0,45	0,45	0,46	0,45
Мағзининг ғоваклилиги, %	66,4	68,8	69,5	75,5	74,3	75,2
Мағзининг нордонлиги, рН	2,60	2,80	2,80	2,80	3,20	3,11
Мағзининг намлиги, %	54,0	52,0	52,0	52,0	51,0	50,0
Даулет нави						
Ҳажми, см ³	800,0	803,9	814,7	818,5	821,5	819,7
Ҳажмий масса, 100 г/см ³	302,5	299,5	301,6	321,7	323,3	320,7
Шаклининг ҳолати (бутунлиги)	0,42	0,44	0,44	0,44	0,45	0,44
Мағзининг ғоваклилиги, %	66,4	67,4	68,1	74,0	72,8	73,7
Мағзининг нордонлиги, рН	2,60	2,74	2,74	2,74	3,14	3,05
Мағзининг намлиги, %	54,0	51,0	51,0	51,0	50,0	49,0
Бой жўхори нави						
Ҳажми, см ³	800,0	853,1	864,6	868,6	871,8	869,9
Ҳажмий масса, 100 г/см ³	302,5	317,8	320,1	341,4	343,1	340,3
Шаклининг ҳолати (бутунлиги)	0,42	0,47	0,47	0,47	0,48	0,47
Мағзининг ғоваклилиги, %	66,4	71,6	72,3	78,5	77,3	78,2
Мағзининг нордонлиги, рН	2,60	2,91	2,91	2,91	3,33	3,23
Мағзининг намлиги, %	54,0	54,1	54,1	54,1	53,0	52,0



4-расм. Буғдой унига турли нисбатда жўхори уни қўшилиб тайёрланган ноннинг ҳажмий массаси

Ноннинг ҳажмий массаси ўрганилганда ҳам назоратга нисбатан жўхори уни қўшилганда ортиб бориши маълум бўлди. Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, буғдой унига 25 % миқдорда жўхори уни қўшилганда энг мақбул ҳажмий масса бўлишига эришилади.

Жумладан, бугдой унидан тайёрланган ноннинг ҳажмий массаси 302,5 г/л “Ўзбекистон 5” нави унидан 25 % кўшилганда 329,9 г/л, “Даулет” нави унидан кўшилганда 323,3 г/л ва “Бой жўхори” нави унидан 25 % миқдорда кўшиб тайёрланган ноннинг ҳажмий массаси 343,1 г/л ни ташкил қилди (4-расм). Диссертация ишининг **“Жўхори навлари дон хом ашёсидан ун тайёрлашнинг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган бўлимида жўхорининг “Ўзбекистон 5” навида жўхори ун тайёрлашда соф фойда – 13,9 млн. сум бўлиб, рентабеллик эса -71,1 % ташкил қилди. Натижада “Ўзбекистон 5” нави назорат “Даулет” навига нисбатан 7151,9 минг сўм кам соф даромад намоён қилиб, рентабеллик эса 21,0 % кам бўлганлиги маълум бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, “Бой жўхори” донидан қайта ишлаб ун тайёрлаш энг юқори соф даромад (29,427,4 минг сўм) ва рентабеллик (123,3 %) аниқланиб, назорат “Даулет” навига нисбатан юқори соф даромад (83446,9 минг сум) ҳамда рентабелликни (31,2%) бўлганлиги маълум бўлди.

ХУЛОСАЛАР

1. Жўхори навларининг биометрик кўрсаткичлари бир-биридан фарк қилиб, энг узоқ вегетатив даври “Ширин 91” навида - 137 кун, энг қисқа вегетатив даври “Ўзбекистон 5” навида - 113 кунни ташкил этиши аниқланди.

2. Жўхорининг хом ашё маҳсулдорлик кўрсаткичлари унинг нави, донининг йириклиги тўғридан-тўғри боғлиқ, “Даулет” навининг дони энг йирик дон бўлиб, 1000 дона дон массаси 30 г-ни, 1 га майдонда олинган ҳосил миқдори эса 60,6 ц-ни ташкил этади. Шунингдек, экиш муддатлари ҳам унинг хом ашё маҳсулдорлик кўрсаткичига таъсир қилади, апрель ойининг учинчи декадаси ва май ойининг биринчи декадасида экилган жўхори бошқа муддатларда экилганларига нисбатан 6-9 % кўпроқ ҳосил бериши аниқланган.

3. Жўхори донини сақлашда 50 кг сифимли полипропилен копларда сақлаш бошқа усулларга нисбатан самарали бўлиб, 1 йилгача сифатли сақланади. Биокимёвий таркиби таҳлил қилинганда 120 кун давомида 50 кг полипропилен копларда сақланган дон таркиби таҳлил қилинганда сақлашга жойлаштиришдан олдин углеводлар 66,4 % бўлса, сақлашдан кейин 0,1 % камайгани, оқсиллар ва мойлар эса 0,4 %, ва 0,2 % га камайганлиги ҳамда клетчатка миқдори эса 0,1 % га камайиши аниқланди.

4. Жўхори унининг биокимёвий таркиби унинг сифатини ифодалаб, намлиги 10,8-11,9 %, оқсил миқдори, 11,8-13,0 %, хом клетчатка миқдори 4,1-4,5 %, крахмал миқдори эса 62,8-68,0 % оралиғида бўлиши мақбул меъёр эканлиги аниқланган.

5. Жўхорини донидан ун чиқиши миқдори ва сифати бўйича “Даулет”, “Ўзбекистон 5” ва “Бой жўхори” навлари бошқа навларга қараганда энг яхши кўрсаткичларга бўлиб, 83,1 % гача ун тайёрланди, уннинг сув сингдириш даражаси 61,2 % ташкил этган, уннинг хамирга айланиш вақти “Даулет” навида 130 сонияни ташкил қилган бўлса, ун ишлаб чиқариш учун яроқли деб топилган “Ўзбекистон 5” ва “Бой жўхори” навларида бироз узоқ давом этиб, мос равишда 139,2 ва 141,7 сония вақт сарфланиши аниқланган.

6. Жўхори унини 48 соат давомида етилтириб, кейин қадоқланганда уннинг сув сингдирувчанлик хусусияти 13,1 % гача ошади. Жўхори унини сақлашда қадоқлаш усули сақланувчанликка тўғридан тўғри таъсир қилиб, сиғимли идишларда ва матоли қопларда сақлаганда 90 кунгача, полипропиленли қопларда эса 120 кунгача сифатли сақланиши исботланган.

7. Жўхори унини сақлаш давомида таркиби оқсил миқдори кескин камайиб кетмаслиги айниқса, полипропилен қопларда 120 кун сақланган ун таркиби дастлабки ҳолатдагига жуда яқин бўлиб, фақатгина клетчатка ва крахмал миқдори камайиши аниқланган. Жумладан, крахмал миқдори янги ун таркибида 68,5 % бўлган бўлса, 120 кун давомида идишларда сақланганда 66,3 %, матоли қопларда сақланганда 64,3 % ва полипропилен қопларда сақланганда 68,2 % га тушиши аниқланган.

8. Нон маҳсулотлари тайёрлашда жўхори унидан фойдаланишда 75 % буғдой уни ва 25 % жўхори уни аралашмаси энг мақбул сифат кўрсаткичларига эга бўлиб, органолептик ҳам да таркиби жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эга нон тайёрланган.

9. Жўхори донини қайта ишлаб, ун тайёрлаш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги аниқланди, иқтисодий самарадорлик “Даулет” навида 156 %, “Ўзбекистон 5” навида 141,9 % ва “Бой жўхори” навида 180,5 % бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасида етиштириладиган жўхори навлари дони ва унини сақлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича тажриба натижаларига асосида ишлаб чиқаришга:

ун ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон шароитида жўхорининг “Бой жўхори” ва “Даулет” навлари етиштириш мақсадга мувофиқ;

жўхори донини вақтинчалик сақлашда сиғими катта бўлган герметик қопларда қадоқлаш таклиф этилади;

нон маҳсулотини тайёрлашда буғдой (75 %) + жўхори (25 %) унини 3:1 нисбатан қўшишни тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

АЙМУРАТОВ УЛУГБЕК ДАВЛЕТБАЙ УЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ХРАНЕНИЯ ЗЕРНА И
МУКИ СОРТОВ СОРГО, ВЫРАЩИВАЕМЫХ В РЕСПУБЛИКЕ
КАРАКАЛПАКСТАН**

06.01.11 – Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером В2024.3.PhD/Qx1488.

Диссертация выполнена в Каракалпакском институте сельского хозяйства и агротехнологий. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyouneb» (www.ziyouneb.uz).


Научный руководитель:	Абдиева Гульмира Муратбековна философский доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Додаев Кучкор Одилевич доктор технических наук, профессор Мирзаев Рахим Одилжонович философский доктор сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Наманганский инженерно-технологический институт


Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете в 2025 году 18 февраля в 16⁰⁰ (Адрес: 100140, г. Ташкент, улица Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-й этаж, конференц-зал).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 552087). (Адрес: 100140, г. Ташкент, улица Университетская, дом 2, здание Информационно-ресурсного центра Ташкентского государственного аграрного университета. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 6 февраля 2025 года.
(Протокол реестра № 58 от 20 декабря 2024 года).




Ш.И.Асатов,
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор


М.З. Холмуротов,
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н.,
доцент


С.А. Юнусов,
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (доктора философии (PhD) аннотация к диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В настоящее время сорго выращивается более чем в 85 странах мира на площади свыше 50 млн. га, а общий объем производства составляет 64 млн. т. Крупнейшими производителями сырья из сорго в мире являются «Нигерия (6806 тыс. т.), Судан (5248 тыс. т.), США (4770 тыс. т.), Мексика (4754 тыс. т.), Эфиопия (4200 тыс. т.), Индия (4151 тыс. т.), Китай (3180 тыс. т.), Бразилия (2923 тыс. т.), Аргентина (2883 тыс. т.) и Австралия (2648 тыс. т.)»¹. Основная часть выращенного урожая используется для производства сахара и продуктов питания, тогда как определенная доля применяется в животноводстве в качестве кормов.

В ряде стран мира были проведены научные исследования по выращиванию, хранению и переработке сорго. В проведенных исследованиях в основном изучались переработки зерна сорго для приготовления различных продуктов, а также переработки стеблей для получения сахара, биотоплива и приготовления кормов для домашнего скота. В частности, исследования ученых из США, Бразилии, Аргентины, Индии, Африки, а также стран СНГ направлены на совершенствование технологий использования зерна сорго в качестве пищевого сырья.

Во многих странах мира уделяется особое внимание расширению площадей, отводимых под выращивание сорго в качестве сырья для производства продуктов питания, повышению его урожайности и совершенствованию агротехнологий выращивания. В Узбекистане также проводятся научно-исследовательские работы по отбору сортов сорго и технологиям его выращивания с целью обеспечения продовольственной безопасности. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы особое внимание уделяется следующим аспектам: «Обеспечение научно обоснованного интенсивного развития сельского хозяйства с целью увеличения доходов дехкан и фермеров как минимум в 2 раза, доведение ежегодного роста сельского хозяйства до не менее 5%, а к 2026 году – увеличение объемов производства продовольственных продуктов до 7,4 млн тонн и уровня переработки фруктов и овощей до 28%». В этом контексте одной из актуальных научных направлений в Узбекистане является организация правильного хранения зерна и муки из различных сортов сорго, используемого в качестве сырья для пищевой промышленности, а также разработка технологий производства хлебобулочных изделий и их широкое внедрение в производственную практику.

Постановления Президента Республики Узбекистан от 29 июля 2019 года № УП-4406 «О дополнительных мерах по глубокой переработке сельскохозяйственной продукции и дальнейшему развитию пищевой промышленности» и УП-36 от 16 февраля 2024 года «О дополнительных мерах по обеспечению продовольственной безопасности в республике» а также, указ как и другие нормативные правовые документы, принятые в этой области, данное диссертационное исследование в определенной степени служит

реализации поставленных задач.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Диссертационная работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в Республике Узбекистан V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Среди зарубежных ученых по выращиванию, хранению и переработке сорго проводили научные исследования Kevin Merfi, Jerald Foks, Uilyam Rouz (США), Joze Alberto, Mariya Fernanda Ribeyro, Karlos Eduardo Pires (Бразилия), Mariya Laura Fernandes, Xuan Pablo Guterres, Ana Mariya Rodrigues (Аргентина), Vijay Kumar, Sunita Sharma, Ramesh Chandra (Индия), а из стран СНГ научные исследования проводили такие ученые, как В.С. Агибалова, Т.О.Аббас, Б.А. Алабушев, Г.А. Ишин, И.С. Горпиниченко, П.М. Жукова, П.В.Белоголовцев, В.В.Ермолаев, И.К.Каирова, С.Д.Кадралиев, В.В.Ковтунов, И.Г.Левахин (Россия), в результате этого были применены технологии хранения зерна сорго и его переработке для производства различных пищевых продуктов.

